

**ЖИЗЗАХ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Жиззах шаҳри
июль**

2023 йил 07

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Джураев раислигида, А.Мусаев котиблигида, аризачи – Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар AGRO KLASTER SHIMQO'RG'ON масъулияти чекланган жамиятига нисбатан аризасини Жиззах туманлараро иқтисодий суд биносида очиқ суд мажлисида аризачи вакили А.Сулаймонов (05.06.2023 йилдаги 22-21560-сонли ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар вакиллари иштирокисиз кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси Жиззах туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар AGRO KLASTER SHIMQO'RG'ON масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 935898961 сўм қўшимча жаримани қўллашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили А.Сулаймонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантириш янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 192-сонли қарорининг 1-бандида, 2023 йил 1 июнь ҳолатига охирги 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи, ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммасилари, 2023 йил 1 июнь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси ҳисобдан чиқарилганлигини, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг вужудга келиш муддати 2023 йил 1 июндан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгиланганлигини билдириб, аризани қонуний кўриб чиқишни сўради.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда ажрим орқали хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларини қўллаб, суд муҳокамасини жавобгар вакиллари иштирокисиз ишда мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб чиқишни лозим деб топди.



Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг кўрсатмаларини тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ, ваколатли банкларнинг филиаллари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар мижозларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича вужудга келган муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги тўғрисидаги маълумотномани хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек бош ваколатли банкка тақдим этиши белгиланган. Ушбу низом талаблари асосида банк томонидан юборилган маълумотномага асосан AGRO KLASTER SHIMQO'RG'ON масъулияти чекланган жамияти муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги мавжуд бўлган.

Аризачи жавобгарга муддати ўтган дебиторлик қарздорлигини бартараф этишни, молиявий жаримани ихтиёрий тўлашни сўраб талабнома юборган бўлсада, жавобгар томонидан дебиторлик қарздорлик бартараф этилмаган ёхуд жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган.

Натижада аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгар AGRO KLASTER SHIMQO'RG'ON масъулияти чекланган жамиятига нисбатан жами 935898961 сўм қўшимча жарима қўллашни сўраган.

Аризачининг аризаси қуйидагиларга кўра асослидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 03 ноябрдаги ПҚ-3351-сонли “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” қарорининг б) банди тўртинчи қисмида, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун бевосита тадбиркорлик субъектлари жавоб бериши, в) бандида импорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун импорт қилувчиларга (устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ташкилотлардан ташқари) нисбатан экспорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликка йўл қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган, “Ташқи савдо операцияларининг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандида, Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб



тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24¹-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин 30 банк иш куни (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк иш куни) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар.

180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда; 180 кундан 365 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча; 365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлашлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантириш янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бааришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йў қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 192-сонли қарори 1-бандида, Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан ўтказилган очик мулоқотларда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

2023 йил 1 июнь ҳолатига жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (нотурар кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) бўйича муддатида тўланмаган қарзига ҳисобланган пеня суммалари;

2023 йил 1 июнь ҳолатига охирги 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи, ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси;

2023 йил 1 июнь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо опреациялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси.

Белгилансинки, ташқи савдо опреациялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг вужудга келиш муддати 2023 йил 1 июндан бошлаб янгидан ҳисобланади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси



ҳисобдан чиқарилганлигини инобатга олиб, ариза талабини қаноатлантирилишни рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 9-моддаси 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб давлат божи ундирмасликни, бироқ аризачининг аризаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори қабул қилингунига қадар тақдим этилганлигини инобатга олиб, жавобгардан аризачи фойдасига 33.000 сўм почта харажати ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2021 йилдаги ПҚ 5087-сонли “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 03 ноябрдаги ПҚ-3351-сонли “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантириш янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бааришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йў қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112, 116, 176-180, 217, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Аризани қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар AGRO KLASTER CHIMQO'RG'ON масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси фойдасига 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақа берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарордан норози тараф ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши, суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья

Н.Джураев

